

**БОЛАЛАР ТАЪМИНОТИ УЧУН АЛИМЕНТ УНДИРИШГА ДОИР
МАСАЛАЛАР: МУАММО ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИ**

Юридик фан йўналиши: Оила ҳукуқи

Уразбаев Ислам Бахтиёр ўғли,

Ўзбекистон Республикаси ИИВ катта мутахассиси,

Ўзбекистон, 100029, Тошкент ш., Яккасарой тумани,

Юнус Ражабий кўчаси, 1-уй.

Электрон почта: info@mvd.uz

**Хат ёзиш: islamurazbaev1992@gmail.com;*

Тел. : +998907357711

Аннотация: Бугунги кунда алиментга оид ҳуқуқий муносабатлар аксарият ҳолларда низоли хусусиятга эга. Ушбу мақолада болалар таъминоти учун алимент ундириш билан боғлиқ муаммолар кўриб чиқилади. Оила қонунчилигида ота-онанинг болаларни таъминлаш бўйича мажбуриятлари аниқ белгиланган бўлса-да, никоҳдан ажрალიш ва алоҳида яшаш ҳолатларида айрим мураккабликлар мавжуд. Мақолада алимент ундиришни такомиллаштиришга оид айрим чора-тадбирлар таклиф этилади.

Калит сўзлар: алимент ундириш, вояга етмаган болалар, ота-оналар, қарздорлар, оилавий қадриятлар, медиация, Давлат фонди.

Оилани қўллаб-қувватлаш, унинг аъзоларини маънавий-ахлоқий ва жисмоний ривожлантириш, шунингдек, уларнинг мулкий фаровонлигини оширишга кўмаклашиш ҳамда ёрдам бериш давлатнинг устувор вазифаларидан биридир.

Алимент мажбуриятлари институти оила ҳукуқи институтлари тизимида энг муҳим ўринлардан бирини эгаллайди, зеро алимент мажбуриятлари қонунчиликка мувофиқ вояга етмаган болаларни моддий таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш бўйича масъулиятни ифодалайди. Бугунги кунда бу юридик фан олдида турган энг долзарб муаммолардан биридир.

Азал-азалдан, юртимизда шаклланган удумлардан келиб чиқиб шуни таъкидласа бўладики, оилавий муҳит, оила анъанаси ва қадриятларни сақлаб қолиш алоҳида бир оила манфаатлари доирасидан чиқиб, муҳим умумдават вазифасига айланиб улгурган.

2025 йилда алимент билан боғлиқ 70 мингта мурожаат келиб тушган. Мажбурий ижро бюроси алимент бўйича ариза тушса, ундириб бераётгани, лекин алимент

тўловчининг расмий даромади бўлмагани учун мурожаатларнинг 30 фоизи ҳал қилинмасдан қолаётгани кўрсатиб ўтган⁶⁵.

1998 йилнинг Ўзбекистонда “Оила йили”, 2012 йилнинг “Мустаҳкам оила йили”, 2014 йилнинг “Соғлом бола йили”, 2016 йилнинг “Соғлом она ва бола йили” деб эълон қилиниши оиланинг ижтимоий ролини мустаҳкамлаш ҳамда уни оила аъзолари ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кафолати сифатида баҳолашга қаратилган қатор иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий хусусиятдаги чора-тадбирларни амалга ошириш учун асос бўлди.

Юридик фанда алимент мажбуриятлари муаммоси Ерис Ж. Роллингер, Стине Сперлинг Беннетт Де Жонг Дриссолл, М.В. Антокольская, В.П. Никитина, О.И. Пергамент, А.М. Рабец, З.В. Ромовская, Л.В. Сапенко, В.П. Юрасов, С.Я. Фурса ва бошқа тадқиқотчиларнинг ишларида ўрганилган. Олимларнинг алимент муносабатлари масалаларига бўлган катта қизиқишига қарамай, уларни норматив-ҳуқуқий тартибга солиш муаммоларини тадқиқ этиш долзарблигича қолмоқда.

Алимент тўғрисидаги замонавий қонунларнинг ҳаётга тадбиқ этилиши 1998 йил 1 сентябрдан тўғри келади, ўшанда Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси кучга кириб, аввалги кодекслар ўрнини эгаллаган. Унга қадар, Ўзбекистондаги алимент ва бошқа оилавий-ҳуқуқий муносабатлар 1969 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодекси ҳамда ундан аввалроқ қабул қилинган тегишли қонун ҳужжатлари билан тартибга солинган.

Янги оила кодексида ота-оналар ва болалар, эр-хотинлар ва собиқ эр-хотинлар, шунингдек, оиланинг бошқа аъзоларининг таъминот бўйича мажбуриятлари белгиланди.

Алимент олиш ҳуқуқи, уларни тўлаши шарт бўлган шахслар, алимент тўлаш муддатлари ва миқдори ҳамда алимент мажбуриятларини белгилаш ва ижро этиш билан боғлиқ бошқа масалалар халқаро ҳуқуқ нормалари ҳамда Ўзбекистон қонунчилигига мувофиқ белгиланади, жумладан:

- а) БМТнинг 20.11.1989 йилдаги “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси⁶⁶;
- б) 22.01.1993 йилдаги “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Минск Конвенцияси⁶⁷,
- в) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси;

⁶⁵ https://t.me/Press_Secretary_Uz/7113. Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини такомиллаштириш юзасидан видеоселектор йиғилиши маълумоти.

⁶⁶ <https://lex.uz/docs/2595913>

⁶⁷ <https://lex.uz/docs/2741647>

г) 07.10.2002 йилдаги “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Кишенёв Конвенцияси⁶⁸;

д) Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси⁶⁹;

е) Вазирлар Маҳкамасининг “Алиментларни олдиндан тўлаш, шунингдек, алимент тўлаш мажбуриятини таъминлаш бўйича гаров шартномасини тузиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 06.10.2018 йилдаги 808-сон⁷⁰, “Алимент тўловлари жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 03.08.2022 йилдаги 427-сон⁷¹ қарорлари;

ж) Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан вояга етмаган ва вояга етган меҳнатга лаёқатсиз болалар таъминоти учун алимент ундиришга оид ишлар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиёти тўғрисида” 29.07.2016 йилдаги 11-сон қарори⁷²;

з) Фуқаролик-процессуал, маъмурий, жиноий ҳуқуқ соҳаларининг айрим қоидалари.

Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари янги Ўзбекистонда конституциявий қонунчилик доирасида олий қадрият деб тан олинади. Ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоя қилиш жамият ривожланишининг босқичидан қатъи назар, давлатнинг асосий вазифаси ҳисобланади. Давлат ҳамма вақт ҳам ижтимоий таъминот тизими орқали барча муҳтожларни зарур маблағлар билан тўлиқ таъминлаш имкониятига эга бўлавермайди. Шу муносабат билан, оила аъзолари ва қариндошлар ўзларининг ҳимояга муҳтож яқин қариндошларини моддий қўллаб-қувватлаш мажбуриятини қисман ўз зиммаларига оладилар.

Давлат томонидан қабул қилинган турли чора-тадбирлар, масалан, алимент тўламаганлик учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик, алимент мажбуриятларини бажармаганлик учун қарздорни қидирувга эълон қилиш, мамлакатдан чиқиш ҳуқуқини чеклаш кабиларга қарамай, тан олиш керакки ушбу чоралар кутилган ижобий натижаларни номоён этмади. Алимент тўламайдиганлар сони ҳалигача сезиларли даражада юқорилигича қолмоқда.

Вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент ундиришни қонунчилик томонидан тартибга солишнинг асосий муаммоларидан бири – бу унинг мураккаблигидир, айрим ҳолатларда кўп жараёнлардан ҳам иборат эканлигидир. Кўпинча алимент ундириш

⁶⁸ <https://lex.uz/ru/docs/4907818>

⁶⁹ <https://www.lex.uz/acts/104720>

⁷⁰ <https://lex.uz/ru/docs/3967908?ONDATE=22.07.2023>

⁷¹ <https://lex.uz/ru/docs/6141398?ONDATE=25.06.2025>

⁷² <https://lex.uz/docs/3034913?ONDATE=16.12.2024>

жараёни ойларга, баъзан эса йилларга чўзилиб кетади, бу эса боланинг эҳтиёжларини таъминлаш билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқаради.

Қонунчиликда алимент тўламайдиган ота-оналарга нисбатан етарлича қатъий мажбурлов чоралари назарда тутилмаган. Қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги ҳолатида алимент ундириш номуайян муддатга тўхтатилиши мумкин, бу эса узоқ вақт давом этиши ва боланинг фаровонлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда “Алимент тўловлари” жамғармаси ҳисобидан тўловлар эса фақат вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун жиноий жавобгарликка тортилган қарздорга нисбатан татбиқ этилади.

Алимент ундириш жараёни узоқ ва мураккаб бўлиши мумкин, бу судга мурожаат қилиш ва кўплаб расмийликларни бажариш зарурияти билан ҳам боғлиқдир. Бу эса алимент олувчилар учун кўп вақт йўқотишга ҳамда ресурсларнинг асоссиз сарфланишига олиб келиши мумкин.

Мамлакатимизда алиментлар бўйича қарорлар ижросини таъминлаш учун ҳуқуқий инструментлар мавжуд. Ушбу механизмларга қарздорнинг мол-мулкани хатлаш, қарздор банкротликка учраганда бошқа кредиторларнинг талаблари орасида алимент ундириш талабларининг устуворлиги ва алимент тўлаши шарт бўлган ота-онанинг иш ҳақидан алимент ундиришнинг устуворлигини киритса бўлади. Шунга қарамай, фикримизча, мазкур механизмлар етарли эмас. Алимент суммаларининг айрим ҳолларда пастлиги муаммоси давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланишсиз ҳал этилиши қийин.

Биз Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросида юридик шахс ташкил этмаган ҳолда фаолияти йўлга қўйилган “Алимент тўловлари” жамғармаси маблағлари йўналтириш доирасини кенгайтиришни, бунда нафақат вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлаганлик учун қарздор жиноий жавобгарликка тортилган тақдирда, алимент тўловларидан юзага келган қарздорликни (ушбу жиноят натижасида етказилган зарарни) қоплаб беришни, балки судгача бўлган даврни ҳам қамраб олиш ғоясини қўллаб-қувватлаймиз.

“Алимент тўловлари” жамғармасини шакллантириш манбалари қаторига қуйидаги манбаларни ҳам қўшишни таклиф этамиз: никоҳдан ажралганлик учун бож миқдорини оширишдан олинган маблағлар, алимент тўланмаган ҳар бир муддати ўтган кун учун 0,5% миқдоридаги пеня (неустойка), мажбурий ишлардан олинган пуллар, суғурта бадалларининг янги шакли.

Шунингдек, “Алимент тўловлари” жамғармасини тўлдириш усулларида бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси бўйича жазони кучайтириш бўлиши мумкин деб ҳисоблаймиз. Хусусан, агар қарздор вояга етмаган болаларни, шунингдек, 18 ёшдан катта бўлган меҳнатга лаёқатсиз болаларни таъминлаш учун алимент тўлашдан узрли сабабларсиз бир неча бор бўйин товласа, унда жазо унинг даромадларининг 5 фоизини “Алимент тўловлари” жамғармаси фойдасига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари шаклида тайинланиши керак.

Янги Ўзбекистон қонунчилигида медиация ҳуқуқий низони суддан ташқари ҳал қилишнинг муносиб муқобили ҳисобланади. Ҳуқуқий низони ҳал қилиш усули сифатида медиация тартиб-таомилини танлаш низони моҳиятан ҳал қилиш, вақт ва маблағларни тежаш имконини беради, бу эса суд тизимининг ҳаддан ташқари бандлиги ва адвокатларнинг хизмат ҳақи юқорилигини ҳисобга олганда жуда муҳимдир.

Вояга етмаган болалар таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ишлар оилавий муносабатлардан келиб чиқадиган фуқаролик ишларининг барча тоифаларини кўриб чиқиш бўйича умумий юрисдикция судлари фаолиятида сезиларли ўрин эгаллайди. Бунда ушбу ишларнинг мутлақ кўпчилиги судьялар томонидан суд буйруғи чиқариш тартибида кўриб чиқилади.

Биз медиация тартиб-таомилини оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган ишлар тоифалари бўйича низоларни ҳал қилишнинг мажбурий судгача бўлган тартиби сифатида жорий этишни таклиф қиламиз (ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш ёки чеклаш, мол-мулкдан фойдаланиш тартибини белгилаш тўғрисидаги ишлар бундан мустасно), яъни бу болалар манфаатларига дахл қилувчи низолар, эр-хотинларнинг мол-мулкни бўлиш тўғрисидаги низолардир.

Яраштирув тартиб-таомилларининг мавжудлиги даъвогарнинг ҳуқуқларини судгача тиклашга ёрдам беради, низони тезкор ҳал қилишнинг қонуний шarti ҳисобланади ва собиқ эр-хотинлар ўртасида янги даъволар келиб чиқишининг олдини олишга имкон беради. Медиатор томонидан қўлланиладиган тинглаш техникаси эр-хотинларнинг ахборотни турли манбасидан эмас, балки холис қабул қилишига хизмат қилади, улар мавжуд вазият ҳақида мушоҳада юритиш учун зарур бўлган янги фактларни эшита бошлайдилар.

Шунингдек, таълим дастурларига “Оилавий кадриятлар. Оиладаги роллар” факультатив курсларини киритишни таклиф қиламиз. У ўқувчи ва талабаларда оиланинг кадр-қиммати ва аҳамиятини тушунишни ривожлантиришга хизмат қилади.

Мазкур фан доирасида ўқувчи ва талабалар куйидаги жиҳатларни ўзлаштиришлари мумкин:

Оиланинг аҳамияти ва кадри: Ўқувчи ва талабалар оила тушунчасини, унинг инсон ва жамият ҳаётидаги ролини ўрганадилар, шунингдек, оилавий муносабатларнинг қадрини англайдилар.

Оилавий моделларнинг хилма-хиллиги: Ўқувчи ва талабалар турли хил оилавий моделлар билан танишадилар.

Оиладаги ўзаро муносабатлар: Ўқувчи ва талабалар оиланинг ҳар бир аъзосининг роллари ва масъулиятини, ўзаро қўллаб-қувватлаш, мулоқот ва оилавий ишларда иштирок этишнинг аҳамиятини ўрганадилар.

Оилавий кадриятларнинг аҳамияти: Ўқувчи ва талабалар оилавий кадриятлар қандай шаклланишини ва уларга риоя қилиш соғлом ҳамда уйғун муносабатларни ривожлантиришга қандай ҳисса қўшишини англаб етадилар.

Оилавий мулоқот кўникмаларини ривожлантириш: Ўқувчи ва талабалар оила ичида самарали мулоқот қилишни, низоларни ҳал қилишни, соғлом чегараларни белгилашни ўрганадилар.

Оиладаги эмоционал фаровонлик: Ўқувчи ва талабалар оила ичидаги эмоционал қўллаб-қувватлаш ва ҳурматнинг аҳамиятини, шунингдек, ҳис-туйғуларни бошқариш ва оилавий ҳаётдаги ўзгаришларга мослашиш усуллари ўрганадилар.

Оила ва бошқа ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги фарқ: Ўқувчи ва талабалар оиланинг ноёб ижтимоий бирлик сифатидаги хусусиятларини ва унинг дўстлар, жамоа ёки синф каби бошқа гуруҳлардан фарқини аниқлашни ўрганадилар.

Ушбу билдирилган қатор таклифлар ота-она ва болаларга оилавий муносабатларни кенгроқ англаш ва қадрлашга, мулоқот қилиш ва низоларни ҳал қилиш кўникмаларини ривожлантиришга, шунингдек, ёш авлодни жамият ва оила ривожланишида онгли ва масъулиятли иштирок этишга тайёрлашга ёрдам беради. Қолаверса, оила инсоннинг ҳаётидаги асос ва суянч эканлигини англашга ёрдам беради ҳамда оилавий кадриятларни қадрлаш ва ҳурмат қилиш муҳимлигини ўргатади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

- 1 Абрамов В.И. Права ребенка и их защита в России: общетеоретический анализ: автореф... дисс. канд. юрид. наук. Саратов, 2007. 55 с;
- 2 Авдеева Н.И. Правовое регулирование исполнения алиментных обязательств в России // Актуальные научные исследования в современном мире. 2020. № 6. С. 22–27;
- 3 Беспалов Ю.Ф. Права ребенка в РФ и проблемы их осуществления: монография. М.: Проспект, 2021. 288 с.;

- 4 Гонгало Б.М. Алиментное обязательства // Семейное и жилищное право. 2016. № 5. С. 15-18;
- 5 Грицай О.В. Взыскание алиментов на несовершеннолетних детей // Юрист. 2010. № 6. С. 29;
- 6 Максуров А.А. Особенности судебного порядка взыскания // Сибирский юридический вестник. 2020. № 1. С. 63-69;
- 7 Латифулина Л.И. Проблемы исполнительного производства по алиментным обязательствам // Молодой учёный. 2014. №4, С. 850-852;
- 8 Нечаева А.М. Семейное право: актуальные проблемы теории и практики. М.: ЮрайтИсдат, 2007;
- 9 Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси
- 10 Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси
- 11 “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонуни